

ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«O'ZVAGONTA'MIR» АЖ бош директори Ш.Х. Атаджановга
(реквизитлари: 140100, Тошкент ш.Элбек к. 8. Банк х/рақами
20210000904128872001. МФО: 00432, «Узсаноатқурилишбанк» АТБ
Яшнабод регионал филиали, банк коди 00432 СТИР 203 661 294

Биз, МЧЖ шаклидаги «KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилоти (реквизитлар: 140100, Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, ЎзР Молия вазирлиги томонидан 26.02.2008 йилда берилган барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензия АФ №00121, 2007 йил 20 декабрда берилган 513-сон гувоҳнома, х/р 20208000503941081001 «Савдогар» банк Самарқанд вилоят филиали, код 00286, СТИР 202631355, ХХТУТ 84400, тел.(99891) 520-65-83, 520-64-48, *Uragov-davlat@rambler.ru*, UZBEKINVEST» ЭИМК томонидан 26.02.2018 йилдан 25.02.2019 йилгача бўлган давр учун берилган А 268430- сонли суғурта полиси) директори, аудитор Баймурадов Химмат Вайдуллаевич (сертификат № 05405, ЎзР Молия вазирлиги томонидан 20.08.2016 йилда берилган) аудитор Бахриддинов Раҳмиддин Абдухалилович (сертификат № 05411, ЎзР Молия вазирлиги томонидан 20.08.2016 йилда берилган) аудитор Хасанов Шерали Хатамович (сертификат № 05311, ЎзР Молия вазирлиги томонидан 20.08.2016 йилда берилган) 2018 йил 2 апрелда мажбурий аудиторлик текширувдан ўтказиш бўйича тузилган № МД 2 шартнома асосида

«O'ZVAGONTA'MIR» АЖ нинг (хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

Бухгалтерия баланси, молиявий натижалар, пул оқимлари ва хусусий капитал тўғрисида ҳисобот шаклларида иборат 31 декабр 2017 йил ҳолатига молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувдан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз, «O'ZVAGONTA'MIR» АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувдан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни такозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамазмининг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект

«O'ZVAGONTA'MIR» АЖ нинг

(хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

2017 йил 31 декабрь ҳолатига аудиторлик материаллари асосида тузатилган молиявий ҳисоботи (илова қилинади) барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги «KOMIL-ISHONCH»
аудиторлик ташкилоти директори

Аудиторлик ташкилоти аудитори

Аудиторлик ташкилоти аудитори

Баймурадов Х.В.

Бахриддинов Р.А.

Хасанов Ш.Х.

2018 йил 30 апрел

